

**Кичик бизнес субъектларини экспорт салохиятини
такомиллаштириш**

Адхамов Мубашиер

Магистр

Аннотация: мақолада кичик бизнес субъектлари фаолиятига берилаётган имтиёзлар, кичик бизнес субъектларининг экспорт амалиётларини ошириш тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, экспорт, тижорат банклари, экспорт, юк хати.

Аннотация: в статье рассматриваются стимулы, предоставляемые деятельности субъектов малого предпринимательства, исследование экспортной практики субъектов малого предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, экспорт, коммерческие банки, экспорт, накладная.

Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш вазифаси қўйилган¹. Шунингдек экспорт фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий маҳсулотларнинг янги истикболли бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида; Экспортни рағбатлантириш агентлиги томоиндан экспорт олди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитларни ўз вақтида сўндириб келаётган тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратишга рухсат этилди².

¹ Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2022 йил 13 январь.

² <https://lex.uz/docs/6323768>

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада ўкенгайтириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПФ-6091-сон фармонида белгилаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун:

а) бир марталик молиявий ресурслар 1 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда (йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларида ошган экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион АҚШ долларигача эквивалентда) ҳамда бир йилгача муддатга ажратилади.

Бунда берилган кредитларнинг маълум бмр қисми белгиланган муддатларда сўндирилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратилади.

б) «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастурига киритилган экспорт қилувчи ташкилотларга охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 1 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 5 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларида 15 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 15 миллион АҚШ долларида 20 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 4 миллион АҚШ долларигача;

қандолатчилик корхоналарига экспортолди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириши учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2 йил муддатгача қуйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларигача бўлганда — 1 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларидан 4 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 2 миллион АҚШ долларигача;

экспорт ҳажми 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 3 миллион АҚШ долларигача кредитлар ажратилиши жорий этилди³.

Тадбиркорлик субъектларига берилган бундай имкониятлар натижасида йилдан-йилга мамлакатимизда экспорт имкониятлари кенгаймоқда, буни саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорти билан шуғулланувчи корхоналар мисолида кўриш мумкин.

Наманган вилоятида 2021 йилда 486 та экспортёр корхоналар томонидан саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилган бўлса 2024 йилга келиб корхоналар сони 594 тага етди. Бундан ташари биргина Наманган вилоятида 2023 йил мобайнида 560,6 млн долларлик саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилган.

Мамлакатимизда тадбиркорликга берилаётган янги имкониятлар ва тижорат банклари томонидан экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича янги хизмат турларини жорий этилиши кичик бизнес субъектларининг экспорт имкониятларини янада оширмоқда.

³ <https://lex.uz/docs/5060630>
pedagoglar.org

Namangan viloyati kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiyot tarmoqlaridagi asosiy ko'rsatkichlari hajmi											
№	Sohalar	2015 y.	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y	2021y	2022y	2023 y (yanvar-dekabr)	2024 y (yanvar-mart)
1	Sanoat (mlrd.so'm)	1773,3	2410,5	3352,4	4745,2	5002,7	5586,1	7174,3	8112,6	9831,0	2292,0
2	Qurilish (mlrd.so'm)	956,1	1226,4	1363,6	2072,6	3310,1	4260,7	5247,9	6069,8	6845,1	1370,0
3	Eksport (ming.AQSH.dol)	85048,3	139054,5	176982,8	208982,7	291228,7	197767,0	245235,1	262633,8	229100,0	58831,7
4	Import (ming.AQSH.dol)	117682,1	293495,4	327530,2	446892,9	528975,7	376390,9	467735,3	501460,8	576500,0	118560,5
5	Savdo (mlrd.so'm)	3844,8	4860,7	5768,4	7088,3	8685,2	11031,4	14216,3	16395,4	19 564,8	3991,5
6	Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi (mlrd.so'm)	7429,3	8539,7	11173,4	13595,7	16424,5	19065,2	22671,5	26208,5	30 915,6	2800610,1
7	Xizmatlar (mlrd.so'm)	2454,0	3358,5	3647,2	4218,7	5176,4	5925,0	7990,1	9742,4	11 829,1	3364,5
8	Yuk tashish (mln.tonna)	15,5	18,6	19,1	26,1	24,1	24,4	27,3	29,0	29,6	6,9
9	Yuk aylanmasi (mln.tonna-km)*	277,6	330,9	355,1	445,6	519,1	539,7	583,3	728,8	758,2	177,3
10	Yo'lovchi tashish (mln.yo'lovchi)*	379,2	404,3	428,3	442,9	444,6	404,0	423,7	437,6	446,0	102,2
11	Yo'lovchi aylanmasi (mln.pass.km)	7276,7	7749,6	8161,5	8424,0	8501,5	7594,2	7979,0	8415,1	8896,8	2119,4

Ушбу жадвалдан кўринадики мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар натижасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари даражасихам йилсайин ортиб бормоқда.

Умуман олганда, кичик бизнес субъектларини молиявий тизим орқали қўллаб-қувватлаш ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Чунки молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти тadbirkorlik салоҳиятини кучайтиради. Молиявий хизматлар микрокредитлаш, микроқарз, микролизинг, микрожамғарма, микросуғурта, пул ўтказмалари, консалтинг хизматлари каби бошқаларни ўз ичига қамраб олади ва унинг асосий мақсади кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришдан иборат.

⁴ Namstat.uz
pedagoglar.org

Иқтисодий фаол аҳоли қатламининг истеъмол эҳтиёжларини қондириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда даромад манбаларини яратиш мақсадида молиявий ресурсларни соддалашган ва унинг юқори миқдори қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган тартибда тўловлилик, қайтарувчанлик, ўзаро ишонч ва мақсадли фойдаланиш тамойилларида, ҳудудий яқинлиги ва хусусий алоқадорлиги шароитларида етказиб берилиши ўзини оқламоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш улар учун давлат томонидан қулай иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар яратилгандагина мумкин бўлади.

Адабиёт:

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. –
2. ПФ-268-сон 21.12.2022. Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида
3. ПФ-6091-сон 21.10.2020. Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.
4. Наманган вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
5. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.